

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВ ЖАХОНГИР ПАЯЗОВИЧ**

**5–9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctorial of science (DSc)  
on pedagogical science**

**Мусаев Жахонгир Паязович**

5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини  
ривожлантиришнинг педагогик стратегиялари .....5

**Мусаев Жахонгир Паязович**

Педагогические стратегии развития компетенции самостоятельного  
мышления учащихся 5–9 классов .....31

**Musaev Jakhongir Payazovich**

Pedagogical strategies for developing the competence of independent thinking  
of students in grades 5–9 .....60

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....64**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВ ЖАХОНГИР ПАЯЗОВИЧ**

**5–9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК СТРАТЕГИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Ped7 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Сафарова Рохат Ғайбуллаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳақимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Шермуҳаммадов Баҳодиржон Шермуҳаммадович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “08” сентябрь соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй, Тел.: (+99871) 255-76-87; факс: (+99871) 256-76-71; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй, Тел.: (+99871) 255-76-87; факс: (+99871) 256-76-71.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълим муассасаларида шахснинг мустақил фикрлаш компетенцияларини шакллантиришнинг креатив технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Жанубий Корея, Франция, Япония, Германияда ўқувчиларнинг тафаккур эркинлигини таъминлаш, мустақил фикрлашни ривожлантиришнинг инновацион-дидактик тизимини, life Skills (ҳаётий кўникмалар)га боғланган компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш, ўқувчи фаолиятини диагностика этиш, ижтимоий мулоқотга мослашиш мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш моделларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш, ўқувчиларда назарий билимларни амалда қўллаш, мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг билим олишларида ўз кучига бўлган ишончни тарбиялаш, мустақил фикрлашни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш бўйича халқаро дастурлар ва изланишлар (PISA, TIMSS, STEAM ва бошқалар) ассесмент топшириқларини амалда қўллаш, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятга нисбатан мотивациясини фаоллаштириш, ўқувчиларни ҳар томонлама шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи мустақил фикрлаш жараёнини ривожлантиришга хизмат қиладиган инновацион технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ўқувчиларни мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни, ёшларни жисмоний соғлом, мустақил фикрлайдиган, Ватанга садоқатли ва қатъий ҳаёт позициясига эга инсон этиб тарбиялашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. Жумладан, “ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш”<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида қўйилган. Бу борада ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топа билишлари, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг дидактик имкониятлари янада кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

стратегияси тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 14 сентябрдаги ПҚ-1533-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Жаҳоннинг етакчи олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида шахснинг мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Sonoma State University, Gesell Institute of Child Development, Stanford University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), Foundation нотижорат маркази (Франция), Universitas Gunadarma, Universitas Syiah Kuala (Индонезия), Krems an der Donau (Австрия), Таълим академияси (Россия)да олиб борилмоқда.

Шахсда мустақил фикрлашни ривожлантириш бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: интеллектуал стандартларга асосланган танқидий фикрлашни ривожлантиришга кўмаклашиш учун мазмуни, ташкилий жиҳатлари ва қамрови нуқтаи назаридан комплекс ишлар тизими ишлаб чиқилган (Сонома давлат университети – АҚШ); ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган ўқувчининг ўқиш даврини диагностика қилиш ва ижтимоий мулоқотга мослашиш хатти-ҳаракатларининг хусусиятлари тизимга солинган (Бола ривожланишининг Гезел институти – АҚШ); бизнесда

---

<sup>2</sup> Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида ёритилган: World Bank and UNDP (2009); «Putting Higher Education to Work: Skills and Research for Growth in East Asia». World Bank East Asia and Pacific Regional Report. World Bank: Washington DC. European Commission (2011); School readiness; behavior tests used at the Gesell Institute Authors: Gesell Institute of Child Development, Frances L. Ilg, Louise Bates Ames Print Book, English, [©1965]; Кехо Д., Фишер Н. Сила разума для детей. пер. с англ. П.А.Самсонов. – 3-е изд. – Мн.: “Попурри”, 2006; Позднякова Г.А. Критическое мышление как интегративное свойство личности студента университета. 2014 г. // <https://cyberleninka.ru/article/n/kriticheskoe-myshlenie-kak-integrativnoe-svoystvo-lichnosti-studenta-universiteta>; d, Mohamed Ihsan Stefan Hut, Ilhom Abdulloev, Robin Audy, Joost de Laat, Sachiko Kataoka, Jennica Larrison, Zlatko Nikoloski, and Federico Torracchi, 2014., Aceh International Journal of Science and Technology (AIJST) is accredited by Kemenristek Dikti, the Republic of Indonesia, No. 36b/E/KPT/2016 started from 31 May 2016 to 31 May 2021 and No 30/E/KPT/2018 as SINTA 2 started from 24 October 2018 to 24 October 2023, Christine Rigler (editor): „Zeitgenossen“ im Gespräch. Dokumente eines lebenden Archivs. Edition Donau-Universität Krems 2021.

танқидий фикрлашни ривожлантириш орқали юксак марраларга эришиш усуллари ишлаб чиқилган (Reboot Foundation нотижорат маркази – Франция); талабаларга онлайн ўқув платформалари орқали мустақил фикрлашни ўргатиш механизмлари яратилган (Кембридж университети – Буюк Британия); ўқувчилар ҳаракатининг фаоллигини мўътадил ва қусурли ҳолатларининг қиёсий тавсифи ва таҳлили ишлаб чиқилган (Таълим академияси – Россия); нутқни фикрлаш даражаларининг маҳсули эканлиги ишлаб чиқилган (Krems an der Donau – Австрия); ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилган (Universitas Gunadarma – Индонезия).

Дунёнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида шахснинг мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва мафкуравий дунёқарашини шакллантириш бўйича қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларининг ривожлантиришни ижтимоий-педагогик имкониятларини аниқлаш, педагогик механизмларини ташхислаш ва коррекциялаш асосида такомиллаштириш; ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминотни ишлаб чиқиш; танқидий фикрлашни ривожлантириш орқали ўқувчининг ижтимоий мулоқотга мослашиш кўникмаларини шакллантириш, мустақил фикрлашга асосланган тадбиркорлик фаолияти орқали иқтисодиётни ривожлантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Буюк қомусий ҳамда педагог олимлар Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Мансур Мотуридий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Шайх Хованди Таҳур, Мир Сайид Журжоний, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Ҳоқий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзажон Шерозий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлонийларнинг илмий мерослари ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда муҳим миллий-тарихий манба бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш борасида Н.Алавутдинова, Г.Бердалиева, М.Зайниддинова, В.Каримова, К.Кенжабаева, П.Мусаев, З.Нишонова, Ш.Нуруллаева, М.Саидов, Р.Сафарова, Р.Суннатова, Б.Ходжаев, Э.Ғозиев, Қ.Хусанбоевалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Зайниддинова М. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантириш омиллари // Халқ таълими. – Т., 2004. – 1-сон. – Б. 132-135; Каримова В., Суннатова Р. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма. – Т.: Шарқ, 2000. – 193 б.; Мусаев П., Мусаев Ж. Мустақил фикрлашга ўргатишнинг педагогик асослари. – Т.: ЎМКХТМ, 2002; Нишонова З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Халқ таълими. – Т., 2001. – 1-сон. – Б. 34-37; Нуруллаева Ш. Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усуллари: Пед. фанл. номз. ... Дис. – Т., 2007. – 148 б.; Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфлари она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: Пед. фанл. номз. ... Дис. – Т., 2000. – 103 б.; Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: Автореф. дис. ... д-ра психол. наук. – Т., 2001. – 41с.; Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7-синф тарих дарслари мисолида): Пед. фанл. номз. ... Дис. – Т., 2009. – 135 б.; Ғозиев Э., Икромов Ж. Мустақил фикрлашнинг комилликка таъсири // Халқ таълими. – Т., 2001.

МДХ давлатларида О.С.Анисимов, А.М.Арсеньев, В.И.Бородкин, В.В.Давыдов, М.А.Данилов, И.О.Загашев, Т.В.Кудрявцева, А.И.Леонтьев, А.Матюшкин, И.А.Низовская, Г.А.Позднякова, Ю.С.Столяров, В.С.Шубинский, А.Ф.Эскуловалар шахснинг мустақил фикрлаши ва ижодкорлик сифатларини фаоллаштиришнинг педагогик ҳамда психологик омилларини тадқиқ этишган<sup>4</sup>.

Хорижий олимлардан методологиянинг умуммиллий асослари ва педагогика методологияси муаммолари П.Я.Гальперин, И.Голдштейн, Д.Дьюи, В.Калвейт, Дж.Кехо, М.Кортеззи, Дж.Максвелл, Г.Нойнер, В.Франкл, Д.Хамблинлар томонидан тадқиқ қилинган<sup>5</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ФЗ-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқот мақсади** 5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик стратегияларини ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахснинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга оид илмий-педагогик ва психологик адабиётларни ўрганиш асосида 5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари ва стратегияларини педагогик таҳлил этиш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқув жараёнини ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминот билан бойитиш имкониятлари ва уни белгилашнинг дидактик талаблари ҳамда педагогик мезонларини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш мазмуни, босқичлари ва мазкур мазмунни танлаш принципларини аниқлаш;

---

– 4-сон. – Б. 31-37; Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2007. – 240 б.

<sup>4</sup> Анисимов О.С. Методологическая культура педагогической деятельности и мышления. – М.: Экономика, 1991. – 415 с.; Бородкин В.И. Психоэнергетика мышления. – М.: Фаир, 1997. – 266 с.; Давыдов В.В. Научное обеспечение образования в свете нового педагогического мышления // Новое педагогическое мышление. – М.: 1989. – С. 64-66; Загашев И.О., Заир-Бек С.И. Критическое мышление: технология развития. – СПб.: Альянс-Дельта, 2003. – 284 с.; Низовская И. А. Словарь программы “Развитие критического мышления через чтение и письмо”: Учебно-методическое пособие. – Бишкек: ОФЦИР, 2003. – 148 с.; Позднякова Г.А. Критическое мышление как интегративное свойство личности студента университета: <https://cyberleninka.ru/article/n/kriticheskoe-myshlenie-kak-integrativnoe-svoystvo-lichnosti-studenta-universiteta>

<sup>5</sup> Максвелл Дж. Как превратить неудачи в ступени к успеху: <https://www.livelib.ru/book/1000378481-kak-prevratit-neudachi-v-stupeni-k-uspehu-dzhon-maksvell>; Дьюи Д. Психология и педагогика мышления / Пер. с англ. Н.М. Никольской. – М.: Совершенство, 1997; Кехо Д., Фишер Н. Сила разума для детей / Пер. с англ. П.А.Самсонов. – 3-е изд. – Мн.: Попурри, 2006. – 176 с.; Франкл В. Человек в поисках смысла: Сборник. – М.: Прогресс, 1990. – 368 с.



5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш шарт-шароитлари, усул, метод ва технологиялари ҳамда ушбу мақсадга йўналтирилган педагогик жараён моделини такомиллаштириш;

5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделининг самарадорлиги ва репрезентативлигини статистик баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 5–9-синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳридаги 156-, 167-сон, Андижон вилоятидаги 8-, 48-сон, Самарқанд вилоятидаги 27-, 42-сон умумтаълим мактабларининг 591 нафар ўқувчилари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни 5–9-синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик стратегияларини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, умумлаштириш, аналитик обзор, тарихий обзор, сўровнома, савол-жавоб, баҳс-мунозара, суҳбат, кузатиш, педагогик эксперимент, математик статистика методлари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияси уларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи ғояни билиш, баҳолаш, рефлексия, интериоризация ва қарор қабул қилиш сифатлари уйғунлигининг ўзаро мувофиқлигини ҳамда ижодкорликни ривожлантиришга оид касбий компетенциялар тизимида продуктивлик даражаси барқарорлигининг интегрatív боғлиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

5–9-синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга йўналтирилган дидактик таъминот таҳлил қила олиш, хулоса чиқариш, тезкор диагностик ҳамда ўз-ўзини назорат қилишга доир индивидуал топшириқларнинг модификациялашган вариантларини прогностик лойиҳалашга йўналтирувчи иллюстратив ва график матнлар асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи дидактик параметрлар фикрий ва ижодий фаоллаштиришни педагогик диагностика қилиш мазмунини ривожлантиришга стратегик кўмаклашиш, фикр юритиш босқичларининг узвийлиги ва сифат жиҳатдан ривожланиб боришини таъминлаш ҳамда мустақил фикрлаш босқичларини адекват мутаносиблиги динамиклигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчилар мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш педагогик стратегиялари мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил қарор қабул қилиш ҳамда таълимий жараённинг педагогик механизмларини индивидуал билиш фаолиятининг фаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизимида уйғун тарзда мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини белгиловчи асосий ўз-ўзини ижодий ривожлантиришга оид маълумотларни қабул қилиш ва тушуниш даражаси,

воқеликни кўра билиши ва ижодий жараёни ривожлантиришга қаратилган ишчан муҳитни яратиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таълим тизимида замонавий компьютер техникаси воситаларидан самарали фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантириш учун 8-синф география ўқув фанидан электрон дарслик ҳамда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш стратегияларининг назарий асослари ҳамда амалий йўсинлари татбиқ этилган 8-синф “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” фанидан инновацион дарслик ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш, уларда фанни ўзлаштиришга янгича ёндашувни йўлга қўйиш мақсадида интернетда [www.geografiya8.uz](http://www.geografiya8.uz) веб сайти яратилган;

ўқитишнинг самарали методлари, технологиялари ва стратегиялари орқали мавзуларни ўқувчиларга қулай усуллар билан етказишни таъминлаш, уларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга мўлжалланган Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географиясидан “Ўқитувчи китоби” яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар расмий манбалардан олингани, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, маълумотларнинг репрезентативлиги, аниқланган кўрсаткичларнинг ишончли илмий манбаларга асосланганлиги, тадқиқотда илгари сурилган илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётда жорий этиш орқали самарали натижалар олингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари, мазмуни, уни танлаш принциплари, босқичлари, мустақил фикрлаш компетенциясини шаклланганлик даражасини баҳоловчи мезонлар ва стратегияларининг аниқланганлиги билан белгиланади. Аниқланган назарий ёндашувлар, принциплар ва механизмлар “Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш стратегиялари” монографиясида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 5–9-синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш методлари, технологиялари, стратегиялари, баҳолаш мезонлари ва ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенцияларининг ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделининг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияси уларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи ғояни билиш, баҳолаш, рефлексия, интериоризация

ва қарор қабул қилиш сифатлари уйғунлигининг таркибий компонентларининг ўзаро мувофиқлиги ҳамда ижодкорликни ривожлантиришга оид касбий компетенциялар тизимига продуктивлик даражаси барқарорлигининг интегратив боғлиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар Ф3-2016-0909111822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-06/3-1782-сон далолатномаси). Натижада “Ўқувчи-ёшларни “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга эришилган;

5–9-синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга йўналтирилган дидактик таъминот таҳлил қила олиш, хулоса чиқариш, тезкор диагностик ҳамда ўз-ўзини назорат қилишга доир индивидуал топшириқларнинг модификациялашган вариантларини прогностик лойиҳалашга йўналтирувчи матнлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-06/3-1782-сон далолатномаси). Натижада ўқувчиларда дўстона муносабатлар асосида ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи дидактик параметрлар фикрий ва ижодий фаоллаштиришни педагогик диагностика қилиш мазмунини ривожлантиришга кўмаклашиш, фикр юритиш босқичларининг узвийлиги ва сифат жиҳатдан ривожланиб боришини таъминлаш ҳамда мустақил фикрлаш босқичларини адекват мутаносиблигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-06/3-1782-сон далолатномаси). Натижада ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш имкони оширилган;

ўқувчилар мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш педагогик стратегиялари мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил қарор қабул қилиш ҳамда таълимий жараённинг педагогик механизмларини индивидуал билиш фаолиятининг фаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизимига уйғун тарзда мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид маълумотлар Ф1-ХТ-1-31247-рақамли “Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ

таълими вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-06/3-1782-сон далолатномаси). Натижада ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик стратегияларини ишлаб чиқиш самарадорлиги ортган;

ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини белгиловчи асосий ўз-ўзини ижодий ривожлантиришга оид маълумотларни қабул қилиш ва тушуниш даражаси, воқеликни кўра билиши ва ижодий жараёни ривожлантиришга қаратилган ишчан муҳитни яратиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар асосида “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 06-06/3-1782-сон хати). Натижада умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш самарадорлиги оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 18 та, шундан 2 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 25 та мақола (20 таси республика, 5 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, асосий матни 246 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш зарурият, аждодларимизнинг шахсда мустақил фикрлаш кўникмасини ривожлантириш соҳасидаги қарашлари ва ундан замонавий педагогик амалиётда фойдаланиш имкониятлари ҳамда ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш соҳасидаги халқаро тажрибалар ва уни педагогик амалиётда қўллаш йўналишлари баён этилган.

Узлуксиз таълим тизимида мамлакатимизда илгари сурилаётган улкан ғоя – Учинчи Ренессанснинг муҳим жабҳаси – таълим-тарбия жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш, хусусан, уларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини бевосита кузатиш мазкур жараёнда муайян зиддиятлар мавжудлигини кўрсатди: фан ўқитувчиларининг ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга оид талаб даражасидаги замонавий билим, кўникма ва малакаларга эга эмаслиги; ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида яқка ҳоким эканлиги; педагогик муносабатлар авторитар принципга асосланганлиги натижада ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги педагогик муносабат мажбурий итоаткорликка асосланганлиги, ўқувчиларда онгли интизомни вужудга келтиришга эътибор берилмаётганлиги; таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолияти эса, билим ва кўникмаларни репродуктив даражада ўзлаштиришга қаратилганлиги натижасида ўқув фаолияти эркин ва мустақил фикрлашга йўналтирилмаётганлигини қайд этиш мумкин.

Ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда, аввало, ўқувчининг фикрлаш хусусиятлари, унинг идрок қилиш қобилиятини ўрганиш билан кечувчи муҳим жараёнларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотнинг дастлабки босқичларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёни босқичлари таҳлил этилди (1-расм).



1-расм. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш босқичлари  
(манба: муаллиф ишланмаси)

Ўқувчи ўзининг мустақил фикрлаш салоҳияти даражасига мувофиқ зарурий ҳолатларда маълумотларни таҳлил этади, хулосалайди, қарорлар қабул қилади. Зеро, фикр ўқувчининг мустақил равишда амалга оширган

фаолиятининг хулосасидир. Мустақил фикрлаш маълум бир ҳолат, воқеа-ҳодисаларга нисбатан, умумий жараённинг ўзига хос маҳсули ҳисобланади. Бу натижанинг жамиятга таъсири ҳам ўзига хосдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳар бир ўқувчи индивидуал тарзда фикрлайди.

Диссертацияда таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида қаралган, ҳар бир ўқувчининг оддий фикри ҳам вақти келиб буюк кашфиётларга асос бўлиши мумкинлиги ҳамда ўқув-тарбия жараёнидаги узвийлик, узлуксизликка асосланган мазмунни идрок этиш, англаш ва ўзиники қилиб қабул қилишда ўқув материалларига ҳам маълум даражада ўқувчини мустақил ишлашга йўналтиришни сингдириш ва бундай мустақил фикрлаш жараёнини таркиб топтириш, ривожлантириш омилларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги кўрсатилган.

Ўқувчилар мустақил фикрлаш жараёнининг асосий мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўрамиз: ишни бажариш жараёнида ўқувчи ўқитувчининг ёрдамидан халос бўлади, олдига қўйилган, лекин енгиб ўтиши қийин бўлган қийинчиликлар билан ёлғиз қолади. Шундай ҳолатда ўқувчи ўз билим, кўникма ва малакаларига, кузатувчанлигига, фикрлашига таянган ҳолда билимини синаб кўриши, олдидаги муаммоларни ечиш йўлларини топиши ва ниҳоясига етказиши керак. Топшириқ ўқувчининг тайёргарлик даражасига мувофиқ келмай қолсагина, ўқитувчи ўқувчига кўмаклашиши, топшириқни бажаришда йўналиш бериши, йўналтирувчи саволлар ёки вазиятлардан мисол келтириши мумкин.

Дарҳақиқат, ўз қараши, ўз таҳлили билан ўз фикрига эга бўлган ўқувчилар давлат ва жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмайдилар ва унинг тараққиётига хизмат қиладилар. Ўқувчида дастлабки пайдо бўлган фикрларни илғай олиш, уни ривожлантириш ва гоё шаклига келтириш жараёнини назорат қилиш ҳамда якунига етказиш ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ.

Одатда, ўқувчининг фаолияти икки даражага бўлинади. Булар назарий ва амалий фаолиятлардир. Назарий ва амалий даражалар ўзаро алоқадорлигининг мустаҳкамлиги фикрлаш тарзида яққол намоён бўлади. Ўқувчининг фикрлаш тарзи: очик (ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост, ошкора баён қилиш), устакорлик (ўз нуқтаи назарини бирдан баён қилмаслик, бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб туриш), хушёр (ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фикрини яхши-ёмон томонларини зийраклик билан таҳлил қила билиш, етти ўлчаб бир кесиш), ижодий (ўз қарашларини баён қилишда ноанъанавий, ностандарт мулоҳазаларга асосланиш), догматив (бир қолипда бир хил андазада фикр юритиш, мушоҳада қилаётган муаммосининг бир томонини бўрттириб кўрсатиш), авторитар (обрў-эътиборга, мансабдорнинг қош-қовоғига қараб фикрлаш) каби кўринишларда намоён бўлади.

Инсон ўзининг мустақил фикрлаши (мулоқоти), нутки ҳамда онгли хулқ-атвори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради. Аммо дарс, ўқув-тарбия жараёнларида мазкур ҳолатларга эътиборни қаратмасдан, балки ўқув дастуридаги, дарслиқдаги материалларни тезроқ ўқувчига етказиш

билан ўз вазифаларини адо қилган ҳисоблашдек салбий ҳолат ўқитувчилар орасида анъанага айланиб қолган.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантириш юзасидан бой тажриба тўпланган. Улар мазмун-моҳият, шакл, тизим, мақсад ва вазифалари, имкониятлари, шарт-шароити негизида ҳар бир мамлакатда ўзига хос талқин этилсада, умумий ҳолатда бир-бири билан муштарак ҳисобланади. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш масаласи йўналиши марказда туради.

Буюк Британияда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш учун ўқувчи билан кўпроқ суҳбатлашиш, фикр алмашиш, ундан шу тасаввурлардан қутилиш йўлларининг усулларини сўраб, ўқувчини тўғри йўналтиришга ҳаракат қилиш шарт деб ҳисобланади. Шунингдек, АҚШдаги таълим тизимида ўқувчига доимо ўзининг руҳияти ва ҳис-туйғуларини ҳолатидан, у ижобий ёки салбий фикрлаётганлигини фарқлай олишини ўргатиш, болага ўз фикрларини ўзгартира олишини сингдириш зарурлиги таъкидланади. Канада давлатида эса, ўқувчида ўз-ўзини англаш, ўзи ҳақида қандайдир бир таассуротга эга бўлиш унинг илк ёшидан оқ бошланади. Бу тушунча ўқувчи 7-8 ёшга кирганида, мактабга келганида аллақачон мустақам шаклланган бўлади. Ўқувчи унга нисбатан бўлган муносабат, атрофдаги муҳит ва вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзи ҳақида бир хулосага келади. Ўзи ҳақидаги хулоса ўқувчи ёши ўсиб бориши билан, албатта, анча ўзгариб боради, аммо хулосанинг асосий фундаменти айтиб ўтилгандек илк ёшида шаклланади. Канада давлатида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни ўқувчи шахсига қаратилган кенг қамровли дарс машғулотларида ташкил этилган ўзига хос эркинлик ҳар бир ўқувчининг ўзи учун хулоса чиқаришга, ўзи учун мақбул бўлган вазифаларни бажаришга имконият беради.

Диссертацияда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган қарашлар, тажрибаларни амалиётда фойдаланиш, ўқув-тарбия жараёнида кенг қўллаш, ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш, ўқувчининг ўз-ўзига бўлган ишончини шакллантириш, кенг жамоатчилик ўртасида фикр-мулоҳаза юритиш вазиятини яратиш, ўқувчиларнинг дунёвий билимларини кенгайтиришнинг истиқбол йўналишлари аниқланган.

Иккинчи боб **“5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш тизими”** деб номланиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик йўналишлари, ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик ва психологик омиллари ҳамда ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш принциплари ва мезонлари ёритилган.

Бу бобда 5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш тизими умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар фанлар туркумига кирувчи она тили, адабиёт, тарих, ҳуқуқ, география, иқтисод, тарбия каби фанлари негизида тадқиқ этилган. Бу ўқув фанлари бир


бутунликда, ўқувчининг уни ўраб турган аτροφ-мухит, жамият ҳақидаги мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мустақил фикрлаш компетенциясини шакллантириш адабиёт, тарих, география ва Ўзбекистон Конституцияси ўқув фанлари талабларида кўрсатилган. Жумладан, адабиёт фанини ўқитишнинг асосий мақсади сифатида миллий ҳамда жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий дунёси, адабий-эстетик дидини шакллантириш ҳамда уларда мустақил фикрлаш, образли тафаккурга оид билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш кўрсатилган.

Тарих ўқув фанида тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш компетенциясини шакллантиришда тарихий манбаларни мустақил ўрганиш, мавзуга оид қўшимча маълумотлар тўплай олиш, хулосалар чиқариш, мустақил фикр билдириш компетенцияси ёритилган.

Ўзбекистон Конституцияси ўқув фани юзасидан мустақил фуқаролик позициясини шакллантириш компетенциясида ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилияти ва дунёқараши шакллантириш ҳамда мустақил қарорлар қабул қила олишга ўргатиш вазифаси белгиланган.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув билув фаолиятлари қуйидагича таркибий тузилишда кечади (2-расм).



2-расм. Ўқувчилар ўқув билув фаолияти (манба: муаллиф ишланмаси)

Ижтимоий-гуманитар таълим олдига қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга ўргатишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу таълим олдига ижтимоий жиҳатдан мукамал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган ўқувчини камол топтириш мақсади қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитиш мазмуни: ўқувчининг фикрлаш компетенциясини, ақлий ривожланишини, мантиқий тафаккурини ўстириш; ўқувчиларни ўз-ўзини, моддий борлиқни англаш ҳамда ўз фикр ва хис-



туйғуларини ижтимоий-гуманитар ўқув фанларининг кенг имкониятлари доирасида баён эта олиш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Шу боис ўқув дастурлари тузишда, аввало, ўқувчиларнинг матн устида ишлаши жараёнида умумий тараққиёти ҳисобга олинади. Бунда: а) ўқувчиларнинг теварак-атрофдаги предмет, ҳодисалар ва уларнинг хилма-хиллиги тўғрисидаги тасавури; б) мана шу предмет-ҳодисалар орасидаги сабаб, шарт, қарама-қаршилиқ муносабатларини тўғри фарқлай олиш қобилияти; в) ўз ҳис-туйғуларини сўз орқали ифодалай олиш ва ўз билганларини бошқаларга етказа олиш малакаларини ривожлантиришга устувор тарзда қаралади.

Хуллас, умумий тараққиёти юқори бўлган ўқувчи ижодий фикрлаш ҳамда фикрини оғзаки ва ёзма ифодалай олиш малакаси билан ҳам ажралиб туради.

Ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг шакл ва воситалари билан бир қаторда методларининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Зеро, танланган метод орқали жараённинг сифати кафолатланади.

5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда бир қатор методлардан, жумладан, ақлий хужум, маъруза, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш, муаммоли ўқитиш методлардан фойдаланилди. Булар орасида алоҳида ўринга эга бўлган муаммоли ўқитиш методи ўқувчилар билан ишлашда муҳим ўрин эгаллайди. Бинобарин, ўқувчиларнинг ижодкорлиги, изланувчанлиги, бунёдкорлиги ва кашфиётчилиги, умумий тавсифда уларнинг креативлик даражалари сифатлари уларнинг мустақил фикрлашини оширувчи асосий омиллар сирасига киради.


Олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлилларига асосланиб таъкидлаш мумкинки, ўқувчиларда фикрлашнинг индуктив ва дедуктив усулини, турли ҳолатларда – тўлиқ ёки нотўлиқ таққослашларни шакллантиришга ёрдам берувчи савол ва топшириқларни киритишга кўпроқ аҳамият бериш зарур. Айнан педагогиканинг индуктив ва дедуктив методларини қўллаш мустақил фикрлашни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир фикрнинг элементлари (индуктив) умумий ҳолат (дедуктив)нинг таркибий компонентлари сифатида бир бутунликни ташкил этади. Фикр тиниклиги эса, таҳлилларнинг реаллигига боғлиқ. Бу ҳолатда дедуктивдан индуктивга қайтиш операциялари ҳам содир бўлади.

Юқоридаги хулосадан аён бўладики, фикрлаш мураккаб жараён. Шунинг учун ҳар қандай ўқув материали, хусусан, дарсликда мустақил фикрлашга йўналтирилган матнни ўқувчининг ёши, фикрлаш доирасига мос бўлишига эътибор бериш зарур. Чунки оддий китоб ўқиш орқали билимлар кўпайиб, фикрлаш ривожланиб қолмайди. Бу – шундай фаол жараёнки, одам ўқиган, мушоҳада қилаётган манбасига маълум маънода ўз муносабатини билдира олиши керак. Демак, ҳар қандай фикр кўзғалиши шахсий манфаатга алоқадор бўлади ва ҳар бир алоҳида фикрнинг ортида конкрет одамнинг мураккаб мушоҳада ва мулоҳаза юритишига оид фаолияти ётади.

Мустақил фикрлашнинг асосида ҳис қила олиш ётади. Бунда воқеликка хос маълумотлар: илмий категориялар ва тушунчалар фикрлаш усуллари билан мос равишда педагогик шароитнинг яратилишини тақозо этади (3-расм).

Ўқувчининг мустақил фикрлашга йўналтиришда унинг ёши, фикрлаш даражасига алоҳида эътибор бериш зарур. Яъни битирувчи синф ўқувчиларига бирмунча мураккаб даражадаги топшириқлар билан муурожаат қилинса, қуйи синф ўқувчиларига эса, аксинча. Масалан, 9-синф “Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси” курсида қуйидагича топшириқ берилди. Атлас хариталаридан фойдаланиб Ғарбий Европадаги бирор мамлакатнинг иқтисодий географик ўрнини тавсифлаб бериш. Бунда мамлакатнинг иқтисодий географик ўрнини тавсифлашнинг қуйидаги намунавий режасидан фойдаланиш мумкин:

1. Қўшни мамлакатларга нисбатан тутган ўрни.
2. Асосий қуруқлик ва денгиз транспорт йўлларига нисбатан тутган ўрни.
3. Асосий ёқилғи-хомашё базалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги районларига нисбатан тутган ўрни.
4. Иқтисодий географик ўриннинг мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва жойлашуви таъсири ҳақидаги асосий хулоса.



**3-расм. Ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (манба: муаллиф ишланмаси)**


Топшириқнинг бу тарзда қўйилиши ўқувчини мустақил фикрлаш малакаларини ҳосил қилиш учун қулайдир. Зеро, мазкур масалани ёритиш учун нафақат географик ўрин тушунчаси ҳақида, балки иқтисодий географик ўрни ҳақида маълумотга эга бўлиши, мамлакатни асосий географик объектларига нисбатан тутган ўрнига баҳо бера олиши зарур. Энг муҳими иқтисодий географик ўринининг мамлакат иқтисодиётини ривожланишига қандай таъсир ўтказиши ҳақида хулоса бериш учун мавзунини комплекс ўзлаштири билиши талаб этилади.

Табиийки, бундай қўйи синфларда юртимизни дунё океани ва денгизларига нисбатан тутган ўрни, йирик тоғ тизмаларини жойланиши, уларнинг ўлкамиз табиатига таъсирини англаш билан кифояланиш мумкин.

Юқорида келтирилган мактаб география курсларида географик ўрин тушунчасини ўқувчининг ёшига, фикрлаш даражасига мос ҳолда синфлар бўйича мураккаблаштириб бориш юзасидан дарсликлар, улардаги савол ва топшириқлар муҳим аҳамият касб этиши изоҳланди.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришни педагогик жиҳатдан таъминлашда узвийлик тамойилларининг ҳар бири яхлит занжирнинг халқалари сифат тизим ташкил қилади. Дидактик маълумотлар мазмунининг узвийлик тамойилига бўйсунгани ўқувчиларда мустақил фикрлашга бўлган майлнинг барқарор бўлишига хизмат қилади (4-расм).

Ўқувчилар мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг мавжуд тажриба ва илмий-методик ёндашувлар узвийлиги қўйидаги беш муҳим тамойил заминиде амал қилади: 1) ўқув дастурларида берилган мавзуларнинг ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтириши; 2) ўқувчи ёш хусусияти, имконият даражаларининг ҳисобга олинганлиги; 3) ўқувчиларга бериладиган топшириқларнинг тизимлилиги; 4) иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш ҳисобга олинганлиги; 5) ўқувчилар компьютер техникаси билан ишлаш кўникмасига эгалиги.



4-расм. Фикрий фаолият босқичларининг узвийлиги ёки тафаккур узвийлиги пирамидаси (манба: муаллиф ишланмаси)

Ижтимоий-гуманитар туркимидаги ўқув фанлари дастурларида мавзуларнинг синфлар кесимидаги узвийлиги, кетма-кетлиги, мазмунан бири-бирига боғлиқлигига асосланади. Узвийлаштирилган, кетма-кетлиги таъминланган ўқув дастури бўйича таълим-тарбия бериш ўқувчиларга ўқув

фанларидан бериладиган билимларнинг тизимли ҳолатда бўлишини кафолатлайди. Бу кафолат, ўз навбатида, ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенцияларни ривожлантиришнинг имкониятларини ортишини таъминлайди.

Мустақил фикрлаш тафаккур жараёнига хос қоидаларга асосланса-да, лекин у ҳар бир ўқувчида ўзгача алоқадорлик заминида ривожланади. Чунончи, мустақил фикрлаш тезлиги билан ўқувчининг ҳақиқатни англаш, ифодалаш фазилатларининг ўзаро боғлиқлигини меъёрлаб бўлмайди.

**“Ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш параметрлари”** деб номланган учинчи бобда 5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни ва воситалари, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи ўқув материалларини моделлаштириш технологияси ҳамда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик модели билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни ва воситалари ўқув-тарбия жараёнининг моҳиятини белгилаб беради. Ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари мазмун-моҳиятини белгилаш ва пировард натижа кўзланган мақсадга эришишда мавжуд дидактик параметрларни ҳисобга олиш зарур (5-расм).



**5-расм. Умумий ўрта таълим мазмунининг ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга оид асосий дидактик параметрлари (манба: муаллиф ишланмаси)**


Ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар аниқ асосланган воқеа-ҳодисалар, рақамлар билан ишлаш билан бирга, ўқувчилардан мустақил фикр юритиш, ижодий фаоллик асосида жараёнда иштирок этишни ҳам белгилаб беради. Зеро, таълим алоҳида ташкил топган фаолият сифатида, биологик,

психологик, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланган шахс ривожини тезлаштиради. Инсоннинг ижтимоий-тарихий қонуниятлар ривожини англашига, меҳнат жараёнидаги фаолиятига ёрдам беради.

Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий манбалардан бири ўқув дарсликлари дур. Дарсликларнинг давр талаби, жаҳон андазаларига мос келадиган даражада бўлишини таъминлаш билан шуғулланиш кундалик вазифага, масъулиятга айланган.

5–9-синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда дарсликларнинг ўрни беқиёслиги тадқиқот натижалари асосида уларга (дарсликларга) қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатди. Шунга кўра, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш учун дарсликларнинг структураси, мазмуни ва дизайнига нисбатан қўйилган дидактик талаблар, бу талабларнинг психологик ва педагогик меъёрлари, тамойиллар ишлаб чиқилди (6-расм).

Тадқиқот иши доирасида мазкур тамойилларга амал қилган ҳолда Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган инновацион дарслик яратилди. Дарсликнинг амалдаги дарсликлардан афзаллиги шундаки, унинг интернетда расмий веб-сайти яратилган бўлиб, мавзуларга тегишли видео, аудио ресурслардан, шунингдек, турли дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин.



**6-расм. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш учун дарсликларга қўйиладиган психологик ва педагогик талаблар**

Мазкур 8-синф география дарслиги (Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси)га QR-код белгисини жойлаштирилди. Мазкур белги дарсликни ташкил этган 60 мавзуга алоҳида-алоҳида ўрнатилган бўлиб, шу мавзуга оид қўшимча интернет манбаларидан фойдаланиш имконини берди. Дарсликнинг расмий интернет сайти ([www.geografiya8.uz](http://www.geografiya8.uz)) ишга туширилди ва интернет ресурслари шу сайтга жойлаштирилмоқда. Мазкур жараён дарсликни

бойитиш билан бирга кейинги нашригача бўлган 5 йил давомида фанга оид ўзгаришларни янги материаллар билан даврий равишда интернет ресурслари ҳисобига тўлдириб бориш имкониятини яратди. Шунингдек, 8-синф технология дарслигининг 16 та амалий машғулотларига ҳам ушбу QR-код белгиси киритилган ҳолда чоп этилди. Бу орқали ўқитувчи ва ўқувчилар амалий машғулотнинг видео орқали амалга оширилиши имконияти яратилди.

Келгусида бошқа дарсликларга ҳам QR-код белгисини ўрнатиш тартиби босқичма-босқич жорий этилаётганлиги боис барча фанлар мазмунини интернет ресурсларига боғлаш ва уларни битта сайтда жамлаш (масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) ёки портали <http://eduportal.uz>) ва доимий тўлдириб борилиши мумкин. Бу тадбир ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари мазмунининг дидактик параметрлари мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этиши билан боғлиқ. Шу орқали ҳар доим ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим-тарбия жараёни такомиллашиб, мазмунан бойитилиб борилишини кўзда тутлади.

Мавжуд педагогик технологиялар асосида ўқув материалларини моделлаштириш таълим жараёнига қўйилган мақсадга эришишнинг маълум бир йўлидир. Моделлаштирилган ўқув материаларида ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар аниқлаштирилади. Моделлаштирилган технологияларнинг аниқ бир жиҳати берилдики, бунда ўқувчининг фаоллигини ошириш таъминланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқув материалларини моделлаштиришда қуйидагиларга эътибор берилди: а) ўқув фанларининг мақсади ва вазифаларига; б) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолдаги тажрибаларига; в) мавзулар ўртасидаги боғлиқлик жиҳатларига; г) фанлараро боғланиш масалаларига; д) ўқитишнинг самарали воситаларидан фойдаланишга.

Таълим жараёнида моделлаштириш технологияларининг қўлланилиши, машғулотларнинг ранг-баранглигига, қизиқарли тарзда ташкил этилишига олиб келиши билан ўқув материалларининг чуқур ўзлаштирилишига ҳам кенг имкониятлар яратади.

Моделлаштириш технологиясини қайд этилган босқичларида амалга ошириладиган ҳар бир фаолият натижаси кўрсатилади. Дарс мавзуси мақсадидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган моделлаштириш технологиялари орқали ўқув материалларини тўлақонли ўзлаштирилишига эришилади. Хусусан, умумлаштирувчи дарслар ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида катта тайёргарликни талаб этади. Умумлаштирувчи дарслар ўз мазмуни, мақсади ва вазифалари билан одатдаги дарслардан фарқланади. 1-жадвалда келтирилган умумлаштириш дарслари технологияларидан ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Умумлаштириш дарсларини мазкур моделлаштириш технологияси асосида ташкил этиш таълим-тарбия жараёнидаги ўқитувчи, ўқувчи тўлақонли фаолиятига, иқтидорли ўқувчиларнинг қўшимча изланишларига, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар ўзларини жараёндан четда ҳис қилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Берилган моделлаштириш технологияларидан амалиётда фойдаланилиш куйидаги ижобий натижаларни беради: ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини оширади; ўқув материалларининг тўлақонли ўзлаштирилишига эришилади; ўқитувчи меҳнатини энгиллаштиради; ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга қулай шарт-шароит, имконият яратилади.

### 1-жадвал

#### Моделлаштириш технологияси босқичлари (манба: муаллиф ишланмаси)


Моделлаштириш технологиясининг босқичлари	Моделлаштириш технологиясининг босқичларида амалга ошириладиган ишлар	Моделлаштириш технологиясининг натижалари	↑
<b>I</b>	1. Педагогик воқеликни тасаввур этиш 2. Технологиянинг дарс жараёнидаги ўрнини баҳолаш	Моделлаштириш технологиясининг амалдаги тасаввурлари	↑
<b>II</b>	3. Тасаввурдаги моделлаштириш технологиясини асослашга ўтиш 4. Камчиликларни бартараф этиш	Моделлаштириш технологиясининг модели	
<b>III</b>	5. Моделлаштириш технологиясини воқелик билан таққослаш 6. Моделлаштириш технологиясининг назарий моделига тайёргарлик	Моделлаштириш технологиясини онгда ҳосил қилиш	
<b>IV</b>	7. Моделлаштириш технологиясини бошқа фанлар билан тавсифлаш 8. Уни педагогик воқелик жиҳатидан баҳолаш	Моделлаштириш технологиясининг назарий моделини яратиш	
<b>V</b>	9. Педагогик воқеликдан реал жараёнга ўтиш 10. Моделлаштириш технологиясининг тамойилларини шакллантиришга тайёргарлик	Моделлаштириш технологиясининг реал жараёнини аниқлаш	
<b>VI</b>	11. Моделлаштириш технологиясининг тамойилларини аниқлаш 12. Технологияни моделлаштиришга тайёргарлик	Моделлаштириш технологиясининг тамойиллари тавсифи	
<b>VII</b>	13. Моделлаштириш технологиясини тайёрлаш 14. Тайёрланган моделлаштириш технологияни воқелик жиҳатдан баҳолаш	Моделлаштириш технологияси	
<b>VIII</b>	15. Моделлаштириш технологиясини тажриба-синовдан ўтказиш 16. Моделлаштириш технологиясини дарс жараёнларида қўллаш	Моделлаштириш технологиясининг самарадорлигини ўрганиш	

Таклиф этилаётган модел ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш эҳтиёжлари, манфаатлари, мотивлари, қадриятли йўналишларидан тортиб то хулқ-атвордаги

ва фаолиятдаги мустақил фикрлаш компетентлигининг намоён бўлишигача жараёнларни қамраб олади.

Таълим муассасалари, оила ва маҳалла фаолиятига алоқадор қонунлар, тартиб-қоидалар, аввало, шахснинг фаол ижтимоий позицияда бўлишини таъминловчи асосий кўрсаткич – мустақил фикрни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Шунга кўра, ўқув-тарбия жараёнини ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини оптималлаштиришга мўлжалланган модели ишлаб чиқилди (7-расм).

Янги моделнинг таърифи: ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, имкониятларини ҳисобга олиб, уларга тўғри психологик ёндашувни ташкил этган ҳолда сифатли таълим-тарбия жараёнини яратиш билан уларнинг мустақил фаолиятларини кузатиш, йўналтириш ва таҳлил этиб бориш орқали ривожлантиришга эришиш – ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш янги моделидир.



**7-расм. Ўқув-тарбия жараёнининг ўқувчиларни мустақил фикрлашини оптималлаштиришга мўлжалланган модели (манба: муаллиф ишланмаси)**

Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш моделини амалиётга тизимли равишда татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, моделнинг амалиётдаги натижавийлигига; моделнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга мослигига; моделни татбиқ этиш давомида учраши мумкин бўлган тўсиқларни ўрганишга; моделнинг татбиқ этувчилар учун қулайлигига; моделнинг шахсни мустақил фикрлашга йўналтириши кафолатланишига.

Диссертациянинг **“5–9-синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш стратегияларининг самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари ташкилий-педагогик хусусиятлари, босқичлари, мазмуни, методикаси, ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили баён қилинган.

Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган мақсад умумтаълим мактабларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг



педагогик шарт-шароитларидан самарали фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Педагогик тажриба-синов ишини режалаштириш, ташкил этиш, олинган материалларни қайта ишлаш педагогик тадқиқот бўйича махсус адабиётларда келтирилган кўрсатмалар ва тавсиялар асосида амалга оширилди.

5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда ўтказилди: аниқловчи-таъкидловчи; шакллантирувчи; яқунловчи тажриба-синов ишлари. Ўтказилган тажриба-синов ишлари орқали умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш тизимини яратишнинг замонавий механизми илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.

Айнан амалиётга тадқиқот давомида татбиқ этилган ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг шакллари, восита ва методларининг самарадорлигини ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари қамровида Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг 520 нафар ўқитувчиларидан “Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш амалиётида қўлланилаётган дидактик феноменларини аниқлаш юзасидан сўровнома”ни ўтказиш жараёни таҳлил этиб берди.

1. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар таълимнинг қандай шакллари асқотди? саволига 32% ўқитувчи ноанъанавий, 46% – янгича, 22% – анъанавий дея жавоб берган.

2. Дарс жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтиришда қандай дидактик воситаларни самарали ҳисоблайсиз? саволига 46% ўқитувчи сифатли ўқув материалларини, 28% ўқитувчи кўргазмалиликни, 26% ўқитувчи ўқувчилар томонидан тайёрланган манбаларни кўрсатган.

3. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган таълимий методлардан қайси бирини самарали ҳисоблайсиз? саволига ўқитувчиларнинг 31% баҳс-мунозарани, 25% суҳбатни, 24 % кичик гуруҳларда ишлашни, 12% муаммоли ўқитиш ҳамда лойиҳалаш методини, 8% маърузани келтирган.

Ўтказилган сўровнома натижаси шуни тасдиқлайдики, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар учун ўқув-методик материалларни тайёрлаш ва уни амалиётга татбиқ этиш ўз самарасини берди.


Ўқувчининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материаллари ҳамда таълим моделларининг самарадорлиги 2-жадвалдаги мезонлар бўйича баҳоланди.

Тажриба-синов натижаларини баҳолаш учун махсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини аниқлашнинг юқорида қайд этилган кўрсаткичлари ўқитувчилар фаолиятини режалаштириш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи жараённи ташкиллашнинг муҳим жиҳатларини ифодалайди.

**Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш  
самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари**

Мезонлар	Тажриба мuddати	Ўзлаштириш даражалари							
		Тажриба гуруҳи (299 нафар ўқувчи)				Назорат гуруҳи (292 нафар ўқувчи)			
		аъло	ях-ши	қони-қарли	қони-қарсиз	аъло	ях-ши	қони-қарли	қони-қарсиз
Ўз фикрларини аниқ баён қилишлари	бошида	14	83	140	62	21	75	142	54
	яқунида	83	165	51		43	109	101	39
Фикр баён қилишда илмий ва ҳаётий далилларга таянишлари	бошида	16	80	142	61	20	72	147	53
	яқунида	80	169	50		45	110	103	34
Ўз фикрларини асослашлари	бошида	15	82	144	58	19	75	146	52
	яқунида	79	172	48		46	108	102	36
Воқеа-ҳодисаларга объектив баён қила олишлари	бошида	13	84	145	57	22	74	148	48
	яқунида	82	173	44		44	112	102	34
Ўз фикрларини атрофдагиларига тасдиқлата олишлари	бошида	17	80	145	57	18	73	144	57
	яқунида	79	169	51		43	112	101	36
Фикрларини аниқ баён қилишларини зарур учун сўз захирасига эга бўлишлари	бошида	15	79	142	63	20	70	145	57
	яқунида	82	172	45		44	113	102	33
Мантикий фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари	бошида	16	81	141	61	20	72	148	52
	яқунида	81	170	48		43	110	103	36
Индуктив-дедуктив хулосалар ва ҳукмлар чиқара олишлари	бошида	14	80	143	62	23	70	146	53
	яқунида	82	168	49		45	111	103	33
Бошқалар томонидан баён қилинган фикрларга муносабат билдира олишлари	бошида	14	81	146	58	22	73	145	52
	яқунида	83	169	47		42	108	104	38
Фикрий ҳозиржавоблик кўникмаларига эга бўлишлари	бошида	15	81	145	58	18	74	148	52
	яқунида	80	172	47		44	114	101	33
Баён қилинган фикрлар ва воқеа-ҳодисаларни танқидий баҳолай олишлари	бошида	16	80	140	63	17	75	147	53
	яқунида	80	171	48		45	114	100	33
<b>Ж а м и:</b>	бошида	<b>165</b>	<b>891</b>	<b>1573</b>	<b>660</b>	<b>220</b>	<b>803</b>	<b>1606</b>	<b>583</b>
	яқунида	<b>891</b>	<b>1870</b>	<b>528</b>	<b>0</b>	<b>484</b>	<b>1221</b>	<b>1122</b>	<b>385</b>
<b>Ўртачаси:</b>	бошида	<b>15</b>	<b>81</b>	<b>143</b>	<b>60</b>	<b>20</b>	<b>73</b>	<b>146</b>	<b>53</b>
	яқунида	<b>81</b>	<b>170</b>	<b>48</b>	<b>0</b>	<b>44</b>	<b>111</b>	<b>102</b>	<b>35</b>

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг барча кўрсаткичлар бўйича умумий натижалари қуйидагича бўлди: назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 7% ўқувчининг кўрсаткичи аъло даражада баҳоланган бўлса, тажриба-синовнинг охириги босқичида бу кўрсаткич 15%ни ташкил этди. Тажриба-синов гуруҳларида эса, дастлабки босқичда 5% ўқувчининг кўрсаткичи аъло баҳоланган бўлса, охириги босқичда бу кўрсаткич 27%ни ташкил этди; яхши баҳо олган ўқувчилар сони назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 25% бўлган бўлса, охириги босқичда бу кўрсаткич 38% ни ташкил этди, тажриба-синов гуруҳларида эса, 26,8% ўқувчилар дастлабки босқичда яхши баҳо олишган эди, охириги босқичда 56,7% ўқувчилар яхши баҳо олишди; қониқарли баҳо олган ўқувчилар сони назорат гуруҳларида 50% дан 35% га камайди, тажриба-синов гуруҳларида эса, бу кўрсаткич 47,5% дан 15,5% га камайди; қониқарсиз баҳо олган ўқувчилар сони назорат гуруҳларида 18% дан 12 % га, тажриба-синов гуруҳларида эса, дастлаб 20,5% бўлган бўлса охирига келиб бундай ўқувчилар қолмади (8-расм). Бу кўрсаткичлар умумтаълим мактабларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган методик таъминотнинг таълим жараёнида қўлланиши ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш даражаси кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатишидан далолат беради. Тажриба-синов гуруҳлари ўқувчилари мустақил фикрлашни аниқлашга оид топшириқларни бажаришда назорат гуруҳидаги ўқувчиларга нисбатан яхши натижаларни кўрсатишди.



**8-расм. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг барча кўрсаткичлар бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Тажриба-синов натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлаш учун математик-статистик усулдан фойдаланилди. Комплекс текширув ишлар

давомида тажриба-синов ва назорат гуруҳларида аниқланган ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичлари тадқиқот материали бўлди. Тажриба-синов ишларида олинган натижаларни ишлаб чиқишда назорат ва тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичларининг тасодифий ёки тасодифий эмаслигини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун инглиз статисти Стъюдент мезонидан фойдаланилди.

### 3-жадвал

#### Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Муддати	Босқичлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари			
			аъло	яхши	қони-қарли	қони-қарсиз
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	299	15	81	143	60
	Назорат гуруҳи	292	20	73	146	53
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	299	81	170	48	0
	Назорат гуруҳи	292	44	111	102	35

Юқоридагиларга асосланган ҳолда натижалар математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси ва ишончли четланишлари топилди.

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$\Delta_m$	$\Delta_x$
2,17	2,21	Тажрибадан олдин ҳеч қандай самарадорликка эришилмаган							
3,11	2,56	0,4179	0,7864	1	2	8,59	525,3	0,07	0,1

Демак, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш 13,75% га юқори экан. Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки,  $\bar{X}=3,11$ ;  $\bar{Y}=2,56$   $\Delta_x = 0,07$ ;  $\Delta_y = 0,1$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{3,11 - 0,07}{2,56 + 0,1} = \frac{3,04}{2,66} = 1,14 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (3,11 - 0,07) - (2,56 - 0,1) = 3,04 - 2,46 = 0,58 > 0$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

## ХУЛОСА

5–9-синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш стратегияларини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот иши доирасида олиб борилган илмий изланишлар ҳамда илмий-методик манбаларни таҳлил қилиш натижасида ўқувчилар мустақил фикрлаш жараёнининг педагогик-психологик йўналишлари тизими шаклланмаганлиги, ижтимоий-гуманитар таълим мазмунида ўқувчи мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик восита ва усуллар етарли эмаслиги, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенцияси динамикасини аниқлаш мезонлари ҳамда меъёрлари яратилмаганлиги, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтира оладиган педагогик маҳорат соҳиблари – тажрибали ўқитувчилар камлиги, ўқитишнинг самарали усуллари, шакллари ва воситалари оммалашувининг суст кечаётгани, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларининг фаолиятларидаги уйғунлик талаб даражасида эмаслиги аниқланган.

2. Мустақил фикрлаш тушунчаси, унинг шахсни шакллантиришдаги ўрни ва роли бир қатор олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган. Бу масалага психологлар, педагоглар ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда турли даража ва миқёсларда фикр-мулоҳазалар билдирилган.

3. Тадқиқотда мустақил фикрлаш – бу инсон сезги органлари ва ақлий фаолиятининг бирлиги натижаси ўлароқ, мустақил равишда таҳлил қилиш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш, таққослаш, аниқлаштириш каби фикрий амаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ақлий фаолият эканлиги аниқланган.

4. Тадқиқот ишида ўқувчи мустақил фикрлашини таъминловчи қуйидаги омиллар аниқланган: назарий билимларнинг мавжудлиги; мавжуд муаммоларни таҳлил эта олиши; ўзгалар фикрини тинглай олиши ва ҳурмат қилиши; фаолиятини мақсадли ташкил эта олиши; орттирилган тажрибаларга асосланиши; атроф-муҳит билан муносабатга тез киришиб кетиши. Шундай омилларни ўзида мужассам қилган ўқувчилар ҳар қандай вазиятда тўғри йўл топа олишга, ўқув материалларининг тўлақонли ўзлаштирилишига эриша олиши аниқланган.

5. Тадқиқот иши доирасида таълим мазмуни такомиллаштириш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш юзасидан ўқув материалларини модернизация қилишнинг зарурий жиҳатлари алоҳида кўрсатилган. Таълим мазмунини бойитиш мақсадида қатор ўқув-методик адабиётлар мажмуи тубдан янгиланган. Бугунги куннинг таълимий-ижтимоий талаб ва эҳтиёжларига жавоб бермаётган ўқитишнинг турли хил технологияларидан воз кечилиб, натижаси кафолатланган замонавий ўқитиш

усулари, шакллари ва воситаларининг самарадорлик даражалари экспериментал тарзда тадқиқ этилган.

6. Педагогик тадқиқотлардан чиқарилган назарий ва илмий-амалий хулосаларни амалиётга жорий этиш ҳамда муҳитга мувофиқлаштирилишга эришилган. Ўқувчида мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик асосларини белгилаш муаммолар ечими мавжуд эканлигини исботланган.

7. Тажрибаларда қатнашган 5–9-синф ўқувчиларнинг ижтимоий-гуманитар таълим жараёни юзасидан мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичи 6,2 фоизга ошиши таъминланган. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган имкониятлар илмий жиҳатдан асосланган. Ўқувчида мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик ва психологик омиллари аниқланилган.

8. Ўқувчида мустақил фикрлаш компетенциясининг ривожлантиришни педагогик жиҳатдан таъминлашда узвийлик тамойили яратилган. Шунингдек, таълим мазмунини такомиллаштиришнинг умумдидактик асослари ишлаб чиқилган. Бунда, ижтимоий-гуманитар таълим жараёни мазмунининг дидактик параметрлари ажратилиб кўрсатилган ва ўқув материалларини моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқувчида мустақил фикрлаш компетенциясини аниқлаш мезонлари мажмуаси такомиллаштирилган.

9. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш модели қуйидагиларни асослашга имкон берди: ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантириш орқали ўқув материалларини тўлақонли ўзлаштиришга эришилади; ўқувчининг ўз фаолиятига нисбатан талабчанлиги ошади; ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнидаги мавжуд ўқув-методик адабиётлар билан кўпроқ ишлашга иштиёқи ортади; таълим натижасининг сифати янада кўтарилган.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

1. Такомиллаштирилган ДТСлари, миллий ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунида ўқувчилар мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қиладиган билимлар, мавзулар, ўқув материаллари ва таълимий топшириқларга кенг ўрин ажратиш.

2. Ўқувчилар мустақил фикрлаш компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қиладиган мултимедиа ва интерактив воситалар, ўқув фанларининг веб-сайтлари, замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида ўқув фанлари бўйича инновацион материаллар яратиш.

3. Ҳар бир ўқув фанлари бўйича ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришни таъминловчи моделлаштириш технологиясига асосланган дидактик материаллар тизимини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020 Ped.P.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

**МУСАЕВ ЖАХОНГИР ПАЯЗОВИЧ**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КОМПЕТЕНЦИИ  
САМОСТОЯТЕЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ 5–9 КЛАССОВ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора педагогических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.DSc/Ped7.**

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Сафарова Рохатой Гайбуллаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хакимова Мухаббат Файзиевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Йулдошев Козокбой Бойбекович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Шермухаммадов Баходиржон Шермухаммадович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «8» сентября 2022 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 246-90-38; (+99871) 246-90-39; факс: (+99871) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Б.С.Абдуллаева**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
к.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Председатель Научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В учебных заведениях развитых стран внедряются креативные технологии по формированию компетенций самостоятельного мышления. В Южной Корее, Франции, Японии, Германии проводится системная работа по внедрению в практику социально-педагогического механизма для обеспечения свободы мышления у учеников, формирования самостоятельного мышления, развития инновационно-дидактической системы на основе компетентного подхода, life skills (жизненных навыков), связанных с развитием самостоятельного мышления учащихся, диагностикой деятельности учащихся, апробацией моделей педагогических возможностей развития самостоятельного мышления, подготовкой учащихся к адаптации социальному общению.

В мировых образовательных и научно исследовательских учреждениях проводятся научные исследования по развитию самостоятельного мышления у учащихся для изучения факторов, влияющих на качество преподавания социально-гуманитарных дисциплин, для применения теоретических знаний на практике, для развития навыков самостоятельного мышления по социально-гуманитарным наукам в области преподавания в общеобразовательных школах на основе компетентного подхода путём воспитания доверия к собственным силам. В связи с этим особое внимание уделяется научным исследованиям по совершенствованию инновационных технологий, применению международных программ и исследований по развитию навыков самостоятельного мышления учащихся (PISA, TIMSS, STEAM и другие), использованию на практике ассесментовых заданий, активизации мотивации учащихся в отношении учебной деятельности, формированию самостоятельного мышления, который имеет большое значение во всестороннем формировании учащихся.

В нашей республике, в последние годы, создается нормативно-правовая база для развития системы образования, повышению социальной активности, воспитанию физически здоровой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине и имеющей твёрдую гражданскую позицию личности. К примеру, в качестве приоритетной задачи определено «воспитание здоровой, духовно и психически развитой, независимо мыслящей, преданной Родине молодёжи со стойкой мировоззренческой позицией, имеющей смысл жизни»<sup>6</sup>. Углубление демократических реформ еще больше расширили дидактические возможности процесса развития гражданского общества и дали возможность укреплению своего места в общественной жизни.

Данная диссертация в определенной степени служит для реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики № УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 января 2019 года, № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, Законе Республики

---

<sup>6</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года: <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

Узбекистан № ЗРУ-406 «О государственной молодежной политике Республики Узбекистан» от 14 сентября 2016 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4296 «О дополнительных мерах по дальнейшему усилению гарантий прав ребёнка» от 22 апреля 2019 года, Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 140 «Об утверждении положения об общем среднем образовании» от 15 марта 2017 года, № 187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов среднего и среднего специального, профессионального образования» от 6 апреля 2017 года, № 880 «О мерах по организации деятельности образовательных учреждений республики» от 17 октября 2019 года и других нормативно-правовых актов, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование инновационной экономики, духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества».

**Международный обзор исследований по теме диссертации**<sup>7</sup>. Ведущие мировые высшие учебные заведения и научные институты проводят научные исследования в области наращивания потенциала по развитию самостоятельного мышления человека. В частности, работы осуществляются в Sonoma State University, Gesell Institute of Child Development, Stanford University (США), University of Cambridge (Великобритания), некоммерческий центр Foundation (Франция), Universitas Gunadarma, Universitas Syiah Kuala, (Индонезия), Krems an der Donau (Австрия), Академия образования (Россия).

По развитию самостоятельного мышления у человека получены следующие научные результаты: разработана комплексная по содержанию, организационным аспектам и объему система работы по поддержке развития критического мышления на основе интеллектуальных стандартов (Университет штата Сонома - США); систематизированы особенности диагностики учебного периода учащегося и социально-коммуникативного адаптационного поведения, направленного на развитие личности учащегося (Gesell Institute of Child Development - США); разработаны способы достижения высоких целей путем развития критического мышления в бизнесе (некоммерческий центр Reboot Foundation - Франция); созданы механизмы обучения учеников самостоятельному мышлению через платформы онлайн-обучения (University of Cambridge – Великобритания); разработана педагогическая система

---

<sup>7</sup> Этот раздел основан на следующих источниках: World Bank and UNDP (2009); «Putting Higher Education to Work: Skills and Research for Growth in East Asia». World Bank East Asia and Pacific Regional Report. World Bank: Washington DC. European Commission (2011); School readiness; behavior tests used at the Gesell Institute Authors: Gesell Institute of Child Development, Frances L. Ilg, Louise Bates Ames Print Book, English, [©1965]; Кехо Д., Фишер Н. Сила разума для детей. пер. с англ. П.А.Самсонов. – 3-е изд. – Мн.: “Попурри”, 2006; Позднякова Г.А. Критическое мышление как интегративное свойство личности студента университета. 2014 г. // <https://cyberleninka.ru/article/n/kriticheskoe-myshlenie-kak-integrativnoe-svoystvo-lichnosti-studenta-universiteta>; d, Mohamed Ihsan Stefan Hut, Ilhom Abdulloev, Robin Audy, Joost de Laat, Sachiko Kataoka, Jennica Larrison, Zlatko Nikoloski, and Federico Torracchi, 2014., Aceh International Journal of Science and Technology (AIJST) is accredited by Kemenristek Dikti, the Republic of Indonesia, No. 36b/E/KPT/2016 started from 31 May 2016 to 31 May 2021 and No 30/E/KPT/2018 as SINTA 2 started from 24 October 2018 to 24 October 2023, Christine Rigler (editor): „Zeitgenossen“ im Gespräch. Dokumente eines lebenden Archivs. Edition Donau-Universität Krems 2021.

формирования у учеников компетенций самостоятельного мышления (Universitas Gunadarma – Индонезия).

В ведущих образовательных и научных учреждениях мира по развитию у личности навыков самостоятельного мышления, сформировать его политическое, социальное, духовное и идеологическое мировоззрение, проводятся исследования в приоритетных направлениях следующих областей: определение социально-педагогических возможностей развития компетенций самостоятельного мышления учащихся в системе образования, на основе диагностики и коррекции совершенствование педагогических механизмов; разработка методического обеспечения, направленного на развитие у учащихся компетенций самостоятельного мышления; формирование у ученика способности адаптироваться к социальному общению через развитие критического мышления, развитие хозяйства через предпринимательскую деятельность, основанную на самостоятельном мышлении.

